

ТДШИ Шарқ филологияси факультети
Адабиётшунослик (корейс адабиёти)
мутахассислиги 1 курс магистранти
Бегалиев Ҳаётбек

“Замонавий корейс шеърляти ва Чо Мёнхи”

Япон мустамлакаси даврида кўпгина корейс талабалари Японияга ўқишга юборилди. Корейс талабалари у ерда дунёвий билимларни эгаллаш билан бир қаторда жаҳон дурдоналари қаторига кирувчи адабиётлар билан танишди. Адабётдаги ўзгаришлар, тематик жихатдан хилма хиллик корейс ёзувчиларини қизиқтирмай қўймади. Улар ғарбда ривожлана бораётган адабий йўналишларни ўрганишга, ўзлаштиришга, миллийлик билан замонавийликни бирга олиб боришга ҳаракат қилишди. Шу тарзда XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида корейс адабиётига символизм кириб келди. Корейс символизмининг ривожланишига Франция символизми, француз адабиёти катта ҳисса қўшди.

Корейс символизмининг қад ростлашига рус, япон, ғарб адабиёти, жумладан , Верлен шеърларининг таржималари ҳам сабабчи бўлди. Корейс адабиётида символизм эстетика руҳидаги поэтик тажрибалар маърифатчилик ҳаракати пасайган бир даврда, япон милитаристлари Кореяни босиб олгач, мамлакатда тушкунлик ва чорасизлик кайфияти ҳукм сура бошлаган бир пайтда пайдо бўлди. Бу йўналишнинг илк намуналарига Ким Ок (김억), Хван Со Ку (환소구), Ли Ил (이일야)ларнинг манзара лирикасини мисол қилиб келтириш мумкин.¹

1919 йилда Ким Дон Ин (1900-1951) томонидан ташкил этилган “Ижод” (“창조”) гуруҳи шоирлари асарларида корейс символизмига хос тушкунлик кайфиятининг ёрқин акс этганини кузатиш мумкин. Бу бирлашма вакиллари Чу Ё Хан (주요한), Ким Совол (김소월) ҳамда Ким Ок ва Хван Со Куларнинг

¹ Чо Юн Дже. История современный корейской литературы. Сеул., 1962, С. 43.

шу даврдаги ижодида дунёнинг рухий ҳолати, одамларнинг ўзаро адовати, бегоналашиб бориши бош мавзуга айланган.

“Ижод” гуруҳи шоирларининг ҳаёт ва ўлим, инсоннинг ёлғизлиги каби мавзуларга эътибор қаратиши асарларида фалсафий мушоҳадаларнинг пайдо бўлганини кўрсатади, Ли Ил шеърларида янграган табиат кучларининг тажовузкорлиги ва инсон умрининг ночор, мўртлиги ҳақидаги фикрлар Чу Ё Ханнинг “Ҳаёт ва ўлим” шеърида ўз мантиқий якунини топади. Шоир ҳаётни инкор этиб, ўлимни мадҳ этади. Бу шеърий матн чекланган концептуал метафораларга асосланган бўлиб, шеърнинг мавзу йўналишини тиклайди: “ Ҳаёт – маънисиз комедия// Ўлим- чиройли фожа // Ҳаёт- милтиллаган шаъм // Ўлим- ярақлаган гавҳар”.²

“Ижод” гуруҳи шоирларининг услуби такомиллашиб бораётгани янги қиёслашларда ҳам намоён бўла бошлади. Масалан, Хван Со Ку “Муҳаббатим, қорлар кечиб кел” деган шеърида “ маҳбубам лаблари-мисли ёввойи гул”, “кўз ёшлари – эриётган шам” каби қиёслашларни қўллайди. Қофия ишлатиш Ким Окдан кейин Ким Совол шеъриятида ҳам пайдо бўлди. Унинг асарларида ёнма-ён, кесишувчи, ички қофияларни кузатиш мумкин. Шоирлар турли поэтик шакллардан фойдаланган бўлсалар-да, эркин шеърни афзал билдилар.

1921 йилда “Ижод” гуруҳининг фаолияти тўхтатилди. Символистларнинг ғоя, образ, тасвир воситалари энди ўша йили ташкил қилинган янги ижодий уюшма - “Харобалар” ижодида ривожланишда давом этди. Унинг доирасида ғарб шоирларига тақлид, ҳатто ўзлаштирмалар ҳам учрайди. Улар одатда ижобий характерга эга бўлиб, хорижий материалнинг маъносини яхшироқ англаб, янги шеъриятни такомиллаштиришга хизмат қилди.

Ли Сан Хва (이산화) шеърларида “ марварид – аёлнинг кўз ёшлари”, “милтиллаётган шамнинг қисқа пилиги - маҳбубнинг узоқ кутиши”,

² Аманова Г.А. Становление современных форм корейской поэзии (конец XIX-середина XX в.) М.,2010. С.29.

“надомат, кўрқувнинг узун кўприги- қайта тирилмоққа элтгучи йўлдир”, “шабнам ювган шафтолилар севикли аёлнинг намчил ва хушбўй сийнаси” каби ўхшатиш ва қиёслашлар учрайди. Махбуба билан жудоликнинг ўткир фожеасини анафора кучайтириб беради.³

Пён Ён Ро (편연로) (1898-1961) ижодида ҳам янги тенденциялар ривожини кузатиш мумкин. “Бурч қояси” деб номланган анъанавий касада (XV аср) тараннум этилган ватанпарвар аёл Нонгэ ҳақидаги афсона 1924 йилда чоп этилган “Кореянинг қалби” тўпламида қайта жонланди. Шоир бу афсонага реал вазиятни тасвирлашдан ҳам кўпроқ рамзий маъно бериш учун мурожаат қилади. Икки ранг: “мовий” - мангулик ва “қизил” - инсон ҳаёти маъносини англатади. Ана шулар ўртасидаги қарама- қаршилик шеър сюжетини ташкил қилади. Қаҳрамон аёл одамлар ўртасидаги келишмовчиликлар натижасида юзага келган фожеавий зиддиятни дарёда (яъни табиатда) ҳал қилади. Бу ерда сувнинг мифологик рамзи нафақат ўлим ва вайроналикни, балки янги туғилишни ҳам билдиради. Сув образининг бундай талқини ушбу унсурнинг бир вақтнинг ўзида ҳам ҳаётбахш, ҳам ҳалок этгучи қудрати тўғрисидаги қадим тасаввурларнинг ифодасидир. Аввалдан маълум образнинг моҳирона қайта талқини ўқувчида таниш ҳисларни уйғотади ва шу билан бирга романтик услубга кўмаклашади.⁴

Анъанавий шеърининг янги маъно касб этишида Чу Ё Хан қаламига мансуб “Ажойиб тонг” (1924) тўпламининг ҳам ўрни катта. Ундаги шеърларда ривожланишда давом этаётган христианлик ғоялари, образлари ўз мужассамини топган. Масалан, “Меҳмон” шеърида ой нури образи билан боғлиқ ҳолда таассуротларнинг ўзгариб бориши кузатилади. Аллақандай сир, илоҳийлик қуршовидаги ой кўнгил кўзининг очилиши, дилда эътиқод уйғонишига сабабчи бўлади. Бу ерда рамзлар ва рангларнинг маъноси насронийлик анъаналари билан боғлиқ.

³ 이인나. 조명희 문학 연구.서울.2006 년.

⁴ 권영민. 한국현대문학사. 1.민음사.2002 년.

“Меҳмон” шеърида янграган руҳий уйғониш мавзусини давом эттириб, “Ёмғир товуши” (“비의소리”) шеърида ҳам худди шу анъана кўзга ташланади. “Ёмғир”- эътиқод элчиси, “тун” – руҳий жаҳолатга ўхшатма, “рангпар ой” эса заиф умидни англатади.⁵

Шоирлар жамиятдаги танг кайфиятни илмоқли образлар, лирик қаҳрамоннинг мавҳум туйғулари орқали ифодалайдилар. Бу эса оддий ўқувчи учун тушунарсиз эди. Китобхонлар аудиториясининг торайиб бораётгани уларни ўз шеърияти, ижоди тўғрисида ўйлаб кўришга мажбур этди.

Баъзилар эса романтизм ва символизм принциплардан воз кечишди. Улар ҳаётга, замондошларининг муаммоларига яқинроқ бўлишга ҳаракат қилдилар ва шунинг натижасида уларнинг ижодида тасвирларнинг ҳаққонийлиги, воқеа, образларнинг ишончлилиги билан ажралиб турадиган асарлар пайдо бўлади.

Чве Нам Сон (최남손), Чо Мёнхи (조명희), Ли Сан Хва (이산화) ва бошқаларнинг ижоди романтик дунёқарашнинг пайдо бўлишини акс эттирган бўлса, “Шеърият” гуруҳининг ёрқин намоёндалари Ким Ён Нан (김연난) ва Пак Ён Чхол (박연철)нинг манзара лирикасида романтик онгнинг инқирози белгилари намоён бўла бошлади.⁶ Бу тобора мустаҳкамланиб бораётган буржуача ҳаёт тарзи ҳақиқати билан шоирлар шахсда кўришни истаётган юксак маънавий, ижтимоий ва эстетик фазилатлар ўртасидаги номуносибликнинг оқибати эди.

Улар инсон ва оламни моддият ва руҳият, ҳаёт ва ўлим, вақт ва мангулик, тартибсизлик ва уйғунлик каби кенг тушунчалар қаторида кўриб чиқадилар, нарса ва ҳодисаларнинг бир қисмини кузатиш асосида олинган маълумотларга таяниб бутун борлиқ ҳақида мушоҳада юритадилар. Бу

⁵ Историко-культурный процесс в Корее и поэзия конца XX – первой половины XX в. – Восток. М., 2009, №2. С.169.

⁶ Новые поэтические жанры в поэзии Чхве Нам Сона. – Вестник. Бурятского госуниверситета. Вып. №8. Востоковедение. Улан-Удэ, 2008, 124–127 с.

шоирларнинг сентименталистик шеърларида оламни ҳиссий англаш мистик башоратлар тусини олади.

Идеал излаш муаммоси табиат фалсафаси асосида ҳал қилинади. Шоирлар ўз шеърларида “кун – тун” қарама-қаршилигини кенг қўллайдилар. Одатда кун моддий, тун руҳий тушунчаларни англатади.

Фикрни тўғридан-тўғри ифодалаш воситаси бўлган сўз нарсаларнинг англаш қийин бўлган моҳиятини ҳам, санъаткорнинг ички оламини ҳам етказиб бериш зиммасига юклатилган рамзларга алмаштирилди. Аслида бору лекин поэтик қайта талқин қилинган ходиса, нарсалар рамзга айланди. Чо Мёнхининг “Навбаҳор” шеърида шоирнинг лирик “мен”и ўзини ўраб турган манзарага сингиб кетгандай бўлади. Унинг лирикасида аллақандай ички безовталиқ сезилиб туради, туйғуларнинг тўхтовсиз изтиробини рамз-образларда ифодасини топади: шамолнинг инграши, сувнинг йиғлаши, кузги япроқларнинг шитирлаши ва ҳоказо.

Лирик кечинмаларни ифодалашда Чо Мёнхи рамзий поэтикада кўп қўлланадиган ишонтириш усулига мурожаат этади. Бу “шеърнинг мусикаси”–оҳангда ва кўриладиган образ – рангда намоён бўлади.

Чо Мёнхи лирикасининг ҳиссиётларга ишонтириш мақсадига истиора, мажозий образлар хизмат қилади: “безабон қайғу”, “тубсиз фикр”, “бесас қалб” каби. Чо Мёнхи шеърлари анъанавий китобхонлик кўникмалари ёрдамида осон ўқилади. Чунки шоир кўп асрлик поэтик луғатдан руҳий ҳолатни тасвирлашга қодир жуда кам сўз – рамзларни танлаб олади. Анъанавий рамзларнинг сақланиб қолиши баробарида поэтик сўзнинг янги маъноси пайдо бўлади.⁷

Чо Мёнхи ўз образларини яратишда тимсолларнинг одатий техникасини қўллайди – ўхшатишлар, қиёслаш ва параллелизмнинг бошқа кўринишларидан фойдаланади. Шоирнинг кўпчилик шеърлари том маънода қиёслаш ва ўхшатишлардан тўқилган матога ўхшайди.

⁷이인나. 조명희 문학 연구.서울.2006 년.

Чо Мёнхи шеърларига шакл берувчи асосий усул турли даражалардаги такрорлардир. Одатда шоир кетма-кет ёки яқин сатрлар, туроқлар, жумлалар бошида бир товуш, сўз ёки иборани қайта-қайта ишлатиб, бир турдаги грамматик, синтактик, мантиқий қурилма, чизмалар тиклайди. «Мен қаерга кетяпман» шеъри бунга мисол бўла олади. Чо Мёнхи шеърий нутқнинг имкон қадар эркин бўлишига интилади, бу эса мантиқий боғламларнинг заифлашувиغا, лекин китобхонларга кучлироқ ҳиссий таъсир ўтказишига олиб келди.

Чо Мёнхининг кейинги ижоди ўзида Кореяда буржуазия синфи шаклланаётган бир пайтда ижтимоий онгнинг чуқур ўзгаришларини акс эттирди. Шоир шахснинг бетакрорлиги ва унинг ижтимоий хатти-ҳаракатлари аҳамиятини, санъаткорнинг борлиқни ўзига хос тарзда кўра олиш ва ифодалаш ҳуқуқини англаб етди.

Мукаммаллик рамзи бўлган "табиат" билан номукаммалликни англатувчи одамлар жамияти ўртасидаги зиддиятни шоир мурасага келтириб бўлмайдиган ҳолат, деб тушунади. Мавжудликнинг моҳиятини турғун тартиб устидан ёввойи исённинг ғалабасида кўради. Ижтимоий воқеликка қарши норозилик билдираркан, Чо Мёнхи ҳаққоний тасвирларга мурожаат қилади.⁸

Чо Мёнхи шеърияти образлар тизимининг ўзига хослигини муболаға ва қиёслаш белгилайди. Романтик услубни шакллантиришда у лирик қаҳрамони изтиробларининг кучи ва фавқулоддалигини ифодалаш мақсадида метафорага муҳим жой ажратади. Ноодатий, сермаъно, лекин ҳаққоний, аниқ сифатлар шоирга таъсирчан ва бетакрор образлар яратиш имконини беради. Таассуротларнинг ноаниқлиги эмас, фавқулоддалиги бадий яхлитлик яратишнинг асосий шартига айланади. Кўпмаънолилик асосий бадий усулларнинг бири бўлади.

Чо Мёнхи ижоди миллий поэзия тарихида принципиал янги босқични белгилаб берди. Унинг воқеликнинг янги мазмунини акс эттиришга қодир

⁸ 너상래. 조영희 연구. 서울.1992 년.

эркин шеър ва насрий шеърга мурожаат қилгани қонунийдир. Шундай бўлса-да, ўзининг анъанавий поэтик шакллардан узоқлашишга олиб келган илғор ғоялари тенг қийматли бошқа ҳеч нима бермаганини жуда тез англади. Шоир ўзининг яхлит миллий маданиятга, айниқса, адабиётнинг маърифатчилар унутилишга маҳкум қилмоқчи бўлган қисми - “сижо” жанрига муносабатини қайта кўриб чиқиш зарур, деган фикрга келди.

“Ғарб адабиёти ва санъати хабарномаси” нашр этила бошлагач, миллий адабий танқидчилик ривожлана борди. Бу жараён ҳам Чо Мёнхи номи билан боғлиқ. “Санъаткорнинг ўзига хослиги, эркинлиги ижоднинг бош шарти” деган фикрни олға сурди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.,2008.158 бет.
2. Аманова А.Г. Становление современных форм корейской поэзии (конец XIX-середина XX в.).М.,2010.
3. А.Н.Тэн. К вопросу о романтизме в литературах Востока.(на материале ранний лирики Чо Мёнхи) Вестник.1988.
4. Историко-культурный процесс в Корее и поэзия конца XIX – первой половины XX в. – Восток. М., 2009, №2.
5. Л.В.Галкина “Корейская поэзия 20-х годов XX века” Изд.Вос.1988
6. М.В.Леонов. Путь корейской поэзии.М.,2004.
7. Чо Юн Дже. История современной корейской литературы. Сеул., 1962.
8. Новые поэтические жанры в поэзии Чхве Нам Сона. – Вестник Бурятского госуниверситета. Вып. 8. Востоковедение. Улан-Удэ, 2008.
9. Солдатова М.В., Пак К.А. Современная литература Кореи. В., 2003.
10. Традиционная лирика в творчестве современных корейских поэтов. – Азия и Африка сегодня. М., 2007, № 9.
- 11.인나. 조명희 문학 연구.서울.,2006 년.

12. 너상래. 조녕희 연구. 서울.,1992 년.
13. 권영민. 한국현대문학사. 1.민음사.,2002 년.